ТЕАТР МИСРДАН ҚАЙТДИ

ТОШКЕНТ. Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театри жамоаси Миср Республикасининг пойтахти — Қоҳирада жаҳон театрлари фестивалида қатнашди. Бу катта кўрикда драматург Эркин Хушвақтовнинг "Чимилдиқ" асари муваффақият билан намойиш этилди. 15 кишилик ижодкорлар гуруҳи араб томошабинларининг таҳсинига сазовор бўлишди. Бугун театр жамоаси Абдулла Ориповнинг "Соҳибқирон" асари билан янги мавсумни бошлайди.

Абдулла ПЎЛАТОВ.

ПИРУ БАДАВЛАТ АЯЛАР

ФАРҒОНА. Сўх туманида узоқ умр кўрувчилар кўпайиб қолгани маълум бўлди. Бу қувончли, албатта. Туман ҳокимлиги 12 нафар аср ёшидан ошган аялар ҳурматини ўрнига қўйиб, муносиб қутлади. Улардан Тўтинисо ая Қурбонова 120 ёшга кириш арафасида турибди. Устибону Аҳмедова, Шоён Исматова, Салима Ҳусанова, Салима Жабборова, Амина Отабоевалар ҳам пиру бадавлат онахонларимиздан саналади.

Алишер ИБОДИНОВ.

БАРОРИДАН КЕЛГАН ОВ

БУХОРО."Бухоробалиқсаноатсавдо" ҳиссадорлик жамияти майдони 170 гектарли ҳавзада балиқ етиштирмоқда. "Шаҳар ва туман марказларида саккизта дўконимиз бор, — дейди жамият раиси Ражаб Бобоқулов. — Ана шу савдо масканлари орқали эл дастурхонига бир кунда 15 тоннагача тирик балиқ етказиб бермоқдамиз. Ўтган ойлар мобайнида эса давлатга 200 тоннадан кўпроқ балиқ сотилди. Йил охиригача бундай луқман ҳалолни қарийб ярим миллион тоннага етказамиз."

Даврон БАҲРОНОВ.

ЎҚУВЧИЛАР ВА АСР ТЕНГДОШЛАРИГА СОВҒАЛАР

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН. Тўрткўл туманидаги кам таъминланган оилалардан 60 ўқувчи ЎзХДП туман кенгашидан совға олишди. Туман кенгаши уларга мактаб уст-бошлари ҳадя қилди. Шунингдек, туманда истиқомат қилаётган ёши бир асрдан ошган табаррук онахон ва отахонларга ҳам совғалар улашилди.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА.

ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР, ЙИЛ ОЙИ ЙУН, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 16 сентябрь, сешанба № 109 (22.193).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ВАТАН ХАРИТАСИ

Тошкентда «Экстракорпорал қон тозалаш усуллари ва трансплантология» мавзуидаги халқаро анжуман бошланди.

***

Қозоғистонда давом этаётган иккинчи Марказий Осиё ўйинларида ўзбекистонлик спортчилар дастлабки олтин медалларни қўлга киритдилар.

***

Наманган вилоятида теннисни ривожлантириш жамғармаси тузилди.

ДУНЁВИЙ ТИНЧЛИК САРИ ҚЎЙИЛГАН ЯНА БИР ОДИМ

СУРАТЛАРДА: конференция ишидан лавҳалар.

А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

15 сентябрь куни Тошкентда «Марказий Осиё — ядро қуролидан холи зона» мавзуидаги халқаро конференция бошланди. Унда 50 давлат ва 16 халқаро ташкилотдан вакиллар иштирок этмоқда. БМТ, Европа Иттифоқи, «Ядро клуби», Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ), Ислом конференцияси ташкилоти (ИКТ), Шимолий Атлантика ҳарбий блоки (НАТО), Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ), Лотин Америкасида ядро қуролини тақиқлаш бўйича агентлик (ОПАНАЛ) шулар жумласидандир.

Конференцияни Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов очди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларданоқ республика раҳбарияти кўпгина иқтисодий ва ижтимоий муаммолар билан бир қаторда хавфсизликни таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Миллий ва минтақавий хавфсизлик масалалари дунёвий тинчликка эришишда муҳим аҳамият касб этади. Шуни ҳисобга олсак, асосий диққат-эътибор, аввало, минтақада ядро қуролини тарқатмаслик ва экологик муаммоларни бартараф қилишга қаратилмоғи лозим экани аён бўлади. Бу хусусда, Президент Ислом Каримов БМТ Бош ассамблеясининг 48-сессиясида нутқ сўзлаб, Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зонага айлантириш тўғрисидаги ташаббусни илгари сурган эди. Бугунги кунда ўша ташаббус ўзининг амалий инъикосини топмоқда.

Маълумки, ядро қуролидан холи зоналарни вужудга келтириш ғояси илк бор БМТнинг 1975 йилда қабул қилинган резолюциясида қайд этилган эди. Бугунга келиб, бундай зоналарнинг сони тўрттага етди. Жанубий Осиё, Лотин Америкаси, Африка ва Антарктикадан иборат ушбу зоналар бир юз ўндан ортиқ мамлакатни ўз ичига олади. Бу зоналар ядровий қуролланиш пойгасига қарши ҳудудий тусиқлар яратиш, бутун дунёда ялпи тинчликни сақлаш, қолаверса, мамлакатлар ўртасида ўзаро ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Анжуманда БМТ Бош котибининг ўринбосари В. Петровский БМТ Бош котиби К. Аннаннинг конференция иштирокчилари номига йўллаган мактубини ўқиб эшиттирди. «Ядро қуролидан холи бўлган янги зоналарнинг вужудга келиши минтақавий хавфсизликни таъминлашга хизмат қилиб, ядро қуролини тарқатмаслик ва қуролсизланиш ҳаракатини қўллаб-қувватлаш йўлидаги муҳим қадам бўлади», дейилади жумладан, мактубда. Шунингдек, конференциянинг очилиш қисмида Ислом конференцияси ташкилоти бош котибининг ўринбосари Иброҳим Солиҳ Бакр, Европа Иттифоқи вакили — Голландия Ташқи ишлар вазирлиги ядровий муаммолар ва ядро қуролини тарқатмаслик бўлими бошлиғининг ўринбосари Паул Уилке сўзга чиқиб, ушбу икки ташкилот Марказий Осиё мамлакатларининг минтақани ядро қуролидан ҳоли зонага айлантириш борасидаги ташаббусини қўллаб-қувватлашини маълум қилди.

Таъкидлаш керакки, ушбу анжуман дунёнинг турли мамлакатларида катта қизиқиш уйғотди. Бунга давлатлар раҳбарлари, кўплаб халқаро тузилмалар мутасаддилари томонидан конференция иштирокчилари номига келаётган мактублар ёрқин мисол бўла олади.

Конференциянинг биринчи кунида ядро қуролидан холи зоналарни барпо этишда халқаро тажриба ҳамда минтақавий хавфсизлик мавзуларида амалий сессиялар бўлиб ўтди. Унда БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзолари ҳисобланган давлатлар вакиллари, Марказий Осиё мамлакатлари ташқи ишлар вазирлари, шунингдек, ОПАНАЛ, ЕХҲТ каби халқаро ташкилотлар томонидан юборилган соҳа мутахассисларининг маърузалари тингланди. Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зонага айлантириш шартлари, бу борадаги муаммолар ва уларни ечиш усуллари бўйича фикрлар алмашилиб, баҳс-мунозаралар ўтказилди.

Шунингдек, анжуманнинг биринчи кунида Марказий Осиё мамлакатлари ташқи ишлар вазирларининг баёноти имзоланди.

Халқаро конференцияда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В. Норов ва бошқа расмий кишилар иштирок этмоқда.

Анжуман 16 сентябрь куни ўз ишини давом эттиради.

(ЎзА).

ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

«ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «МАРКАЗИЙ ОСИЁ — ЯДРО ҚУРОЛИДАН ХОЛИ ЗОНА» ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам делегация раҳбарлари,

Хонимлар ва жаноблар!

Сизларни Ўзбекистон диёрига ташриф буюрганингиз билан самимий қутлайман ҳамда Тошкент конференциясида иштирок этаётганингиз учун самимий миннатдорлик изҳор этаман.

Мазкур конференция — **Марказий Осиё давлатларининг ташқи хавф ва тазйиқларга қарши туриш борасидаги якдиллик билан қилаётган саъй-ҳаракатларининг дастлабки натижасидир.** Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зона деб эълон қилиш ташаббуси — Марказий Осиё давлатларининг хавфсизлик, барқарорликни ҳамда бу минтақада истиқомат қилаётган кишиларнинг тинчлигини таъминлаш, айтиш мумкинки, минтақани барқарор ривожлантириш ва гуллаб-яшнатиш борасидаги манфаат ва мақсадлари муштараклигининг янги бир кўринишидир.

Халқаро ташкилотлар, энг аввало Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Атом энергияси бўйича халқаро агентлик, Ислом конференцияси ташкилоти, мазкур конференцияда иштирок этаётган 50 дан ортиқ давлат ва халқаро тузилмалар вакилларига Марказий Осиё ташаббусини қўллаб-қувватлашгани, Тошкент конференциясини тайёрлашда ёрдам берганликлари учун миннатдорлик изҳор этишга ижозат этгайсизлар.

Анжуман ишида БМТ хавфсизлик кенгашининг доимий аъзолари — ядро давлатлари ҳисобланмиш беш давлат вакилларининг иштирок этаётгани бизга кўтаринки рух, умид бахш этади.Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зона деб эълон қилиш ташаббусини қўллаб-қувватлашни ўз вазифаси деб билган ҳамда конференция ишида иштирок этиш учун Тошкентга ташриф буюрган Марказий Осиё билан чегарадош мамлакатларнинг расмий вакилларини чин дилдан қутлайман.

Биз Тошкент анжумани иштирокчилари орасида Европа Иттифоқи мамлакатлари делегацияларини кўришдан ниҳоятда мамнунмиз. Уларнинг интеграция ҳамда хавфсизлик ва тинчлик ўрнатиш борасида тажрибаси Марказий Осиёдаги ёш давлатлар учун алоҳида қадрлидир.

(Давоми 2-бетда).

АНЪАНАВИЙ МУСОБАҚА ЯКУНЛАНДИ

Пойтахтимиз Тошкентда бир ҳафта давом этган спорт байрами — теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги мусобақалари ниҳоясига етди. 14 сентябрь куни мазкур турнирнинг расмий ёпилиш маросими бўлди. «Юнусобод» спорт мажмуидаги замонавий ёпиқ теннис саройига жамоатчилик вакиллари, спорт мухлислари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус, халқаро ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ташриф буюрди.

Саройга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келади. Йиғилганлар давлатимиз раҳбарини қизғин олқишлар билан кутиб оладилар.

«Президент кубоги» турнири финал учрашуви қатнашчилари — Буюк британиялик Тим Хенмен ва швейцариялик Марк Россенинг ўйини бошланади. Ҳаяжонларга бой, қизғин спорт курашлари остида ўтган бу ўйинда иккала ракетка устаси ҳам ўз маҳоратини намойиш этиб, томошабинларнинг олқишларига сазовор бўлди. Мусобақа бошиданоқ ғолибликка даъвогарлардан бири ҳисобланган Тим Хенмен учрашувда ғалаба қозониб, турнирнинг бош совринини қўлга киритди.

Майдонга мусобақа қатнашчилари бўлган мамлакатлар байроқлари олиб кирилади.

Тантанали маросимни халқаро теннис мусобақалари ташкилотчиси Сассон Какшури очиб, Ўзбекистонда спортни ривожлантиришга кўрсатилаётган ғамхўрлик, хусусан, мазкур теннис турнирининг ташаббускори бўлган Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга миннатдорлик изҳор этди.

Маросимда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Ўзбекистон ҳамда дунёнинг турли мамлакатларидаги теннис ишқибозлари ва мухлислари бу нуфузли мусобақани катта қизиқиш билан кузатиб бордилар, деди давлатимиз раҳбари. Турнирда жаҳондаги атоқли теннисчиларнинг иштирок этиши, уларнинг маҳорати ҳамда иштирокчилар ва мухлисларнинг юксак кайфияти, ташкилотчилар яратиб берган ажойиб шарт-шароит уни ҳақиқий спорт байрамига айлантирди.

СУРАТДА: Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов мусобақа ғолиби Тим Хенменга мукофот топшираётган пайт.

ЎзА олган сурат.

Спортчилар ўйинидаги кураш иштиёқи, барча — ёшу қари шуғулланиши мумкин бўлган қизиқарли спорт тури миллионлаб томошабинларни хурсанд қилди, десам янглишмайман.

Биз учун энг муҳими — Ўзбекистонда бундай мусобақаларнинг ўтказилиши эртанги кунда шаҳар ва қишлоқларимиздаги теннис кортларига саломатлигини мустаҳкамламоқчи ва катта теннис билан шуғулланмоқчи бўлган минглаб кишиларни, энг аввало фарзандларимиз ва набираларимиз — бўлажак маҳоратли теннисчилар ва чемпионларни жалб этиш имконини беришига ишонаман.

Мана шу имкониятдан фойдаланиб, мусобақа юксак савияда ўтиши учун барча ишни қилган ташкилотчиларга, ҳақиқий муросасиз спорт кураши намунасини кўрсатган ҳамда ғалабага бўлган интилишини намоён этган турнир иштирокчиларига яна бир бор миннатдорлик сўзларини айтишни истайман.

Шунингдек, теннис ва спортнинг барча мухлисларига, бугун мана шу ажойиб саройни тўлдириб ўтирган барчангизга, сиз орқали Ўзбекистоннинг бутун аҳолисига олис мамлакат ва қитъалардан келган спортчиларни қўллаб-қувватлаганингиз, очиқ чеҳрангиз, самимият ва меҳмондўстлигингиз учун раҳмат айтаман.

Шундан сўнг Президент Ислом Каримов томошабинларнинг қизғин олқишлари остида турнир ғолиби Тим Хенменга Президент кубогини, иккинчи ўрин соҳиби Марк Россега махсус совринни топширди.

Теннисчилар ўзларига кўрсатилган эътибор, минглаб томошабинларнинг хайрихоҳ ва холис муносабатда бўлиб қўллаб-қувватлаганлари учун ташаккур билдирдилар.

«Президент кубоги» турнирини халқаро теннис турнири ёпиқ деб эълон қилинди. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди. Теннис ихлосмандлари ўйин қатнашчиларини «Яна кўришгунча, хайр» сўзлари билан кузатиб қоладилар...

Турнирнинг ёпилиш маросимида республика Олий Мажлиси Раиси Э.Халилов, Бош вазир Ў.Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, мазкур турнирни ўтказиш ташкилий қўмитаси раиси И.Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раисининг ва Бош вазирнинг ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов қатнашди.

(ЎзА).

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 15 сентябрь куни Озарбойжон ташқи ишлар вазири Гасан Гасановни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари тобора кенгайиб бораётганидан мамнуниятини изҳор этиб, Г. Гасановнинг ушбу ташрифи ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлаш йўлида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Озарбойжон ташқи ишлар вазири самимий қабул учун Ислом Каримовга миннатдорлик билдириб, Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиевнинг мамлакатимиз раҳбарига йўллаган мактубини топширди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасида стратегик ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш, ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

* * *

Шу куни Президент Ислом Каримов БМТ Бош котибининг ўринбосари Владимир Петровскийни ҳам қабул қилди.

— Биз сизни нафақат БМТ Бош котибининг ўринбосари, балки Ўзбекистонга чуқур эҳтиром ва алоҳида эътибор билан қарайдиган инсон сифатида ҳам яхши биламиз, — деди Ислом Каримов. — Бугун Тошкентда очилган «Марказий Осиё — ядро қуролидан холи зона» мавзуидаги халқаро конференцияда иштирок этаётганингиз ҳам қувонарли ҳолдир.

Владимир Петровский Ўзбекистон билан БМТ ўртасидаги муносабатларнинг тобора мустаҳкамланишида республикамиз раҳбарияти юритаётган оқилона сиёсат муҳим ўрин тутаётганини мамнуният билан қайд этди. Ислом Каримовнинг минтақада хавфсизликни таъминлаш ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларига юксак баҳо берди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан БМТ ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш, минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Қабул маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В. Норов, ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

(ЎзА).

ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Марказий Осиёда хавфсизлик муаммолари бўйича халқаро шериклар доираси тобора кенгайиб бораётганини ҳам алоҳида мамнуният билан қайд этишни истардим. Мен конференциямизда Лотин Америкаси ва Жанубий Африка давлатлари дипломатларининг иштирок этиши унга янада теран мазмун ва нуфуз бахш этишига қатъий аминман.

Учрашувимиз ядро қуролини тарқатмаслик бўйича йирик халқаро экспертларнинг иштироки туфайли янада юксак илмий даража касб этишини ҳам таъкидлаш жоиз. Уларнинг кўпчилиги конференцияга тайёргарликнинг эксперт босқичида Тошкентга ташриф буюрган эдилар.

Мен мазкур конференцияни тайёрлаш жараёнидаги улкан ишларни ёритиш борасида кўп хизмат кўрсатган оммавий ахборот воситалари ва матбуот ходимларига ҳам алоҳида миннатдорлик изҳор этишни истардим.

Бизнинг Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зона деб эълон қилиш ташаббусимизга қўшилган ҳамда бу ташаббусни амалга ошириш йўлларини ишлаб чиқишда иштирок этаётган барчангизга катта раҳмат.

Хонимлар ва жаноблар!

Халқлар ва бутун инсоният ҳаётида XX аср ниҳоясига етмоқда. Шу нарсага аминманки, бугунги кунда яшаб турган ҳар қандай ақлли инсон бизнинг XXI асрга қай ҳолда кириб боришимиз, қандай қилиб уйимиз, мамлакатимиз, минтақамизда тинчлик ва барқарорликни таъминлашимиз тўғрисида ўйга толади. Фожиали оқибатларга, одамлар ўртасидаги йирик қурбонлар, тузатиб бўлмайдиган ҳалокатларга олиб келиши мумкин бўлган муайян хавф-хатарларга қарши қандай чора кўрамиз?

Табиийки, ядро қуроли ва бошқа оммавий қирғин қуроллари хавфи бундай хавф-хатарлар ичида алоҳида ўрин тутади.

Бугунги кунда дунёда минглаб ядро қуроли борлиги тўғрисида гапиришга ўрганиб қолганмиз. Бироқ, афсуски, демократик матбуотда эълон қилинаётган, инсоният келажагига аниқ-равшан хавф туғдирувчи — парчаланадиган қурол бўладиган материалнинг улкан заҳиралари, ядро қуроли билан боғлиқ авариялар, ядро контрабандаси, ядровий дўқ-пўписа ва терроризм ҳақидаги ахборот ва фактлар ҳам ҳаётимизнинг оддий кўринишига айланиб қолмоқда.

Биз телевизор экранларида намойиш этилаётган, ядро қуроли синовлари туфайли мангуга йўқ қилиб ташланган минг-минглаб, ҳатто миллионлаб гектар майдонда, ҳайвонот ва ўсимлик оламида юз бераётган дахшатли манзараларга кўникиб қоляпмиз.

Марказий Осиё ҳудудида истиқомат қиладиган кишилар оммавий қирғин қуролларининг бундай ғайринсоний синовларининг битмас-туганмас оқибатларини ҳозирги кунда ҳам ҳис этиб турибди ҳамда яна кўпгина авлодлар умри мобайнида ҳис этади.

Минтақамизни ядро қуролидан холи зона деб эълон қилишнинг яна бир муҳим ва долзарб жиҳати шундаки, ҳали сайёрамиздаги барча давлатлар ҳам ядро қуролини тарқатмаслик ҳақидаги шартномага қўшилган эмас.

Ҳозирги кунда ҳам яқин-яқинимизда ядро қуролига эга бўлиш нияти ҳақида очиқдан-очиқ гапираётган давлатлар бор.

Назаримизда, худди мана шунинг учун ҳам, жаҳон ҳамжамияти бугунги кунда мана шу хавфдан огоҳ қилиш, унинг олдини олиш борасидаги ташаббус ва чора-тадбирларга жиддий эътибор билан қараши ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши лозим.

Биз Марказий Осиё — дунёдаги аҳоли энг зич жойлашган минтақалардан бири эканини, аҳоли ҳар томонлама ночор, табиий ҳалокатлар тез-тез содир бўлиб турадиган шароитда истиқомат қилишини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Бошқа томондан олиб қараганда, бу ташаббуснинг муҳимлиги Марказий Осиёнинг ниҳоятда бой табиий, минерал, энергетик ва инсоний ҳамда бошқа ресурслари туфайли тобора ошиб бораётган геостратегик ҳолати билан ҳам изоҳланади. Бу ёрда дунёдаги кўпгина йирик давлатларнинг геополитик ва стратегик манфаатлари тўқнашади. Шунинг учун ҳам тобора улкан аҳамият касб этаётган бу минтақанинг устунлик ва таъсир доиралари учун янги кураш майдонига айланиб қолишига йўл қўйиб бўлмайди.

Биз Марказий Осиё минтақасининг халқаро хўжалик алоқалари тизимига, жаҳон иқтисодиёт ва ахборот майдонига фаол кириб бориши, жаҳондаги етакчи давлатлар ва халқаро муассасалар билан сиёсий ҳамкорликни мустаҳкамлаши, энг аввало бу минтақадаги давлатларнинг халқаро хавфсизликнинг дунёвий тизимига интеграциялашувигина барқарорлик ва изчил тараққиётнинг ишончли кафолати бўлишига қатъий аминмиз.

Марказий Осиёнинг дунё миқёсида тобора улкан аҳамият касб этаётгани, шунингдек, умумевропа хавфсизлиги тизимини янгича идрок этишни ҳам тақозо қилади. Биз шунга қатъиян аминмизки, **Марказий Осиёдаги — Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти аъзолари бўлмиш бешта давлатни ўз ичига олган минтақада ядро хавфидан холи зонанинг барпо этилиши ЕХҲТнинг умум-майдонида ҳам тинчлик ва барқарорлик пойдеворини янада мустаҳкамлайди.**

Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонани барпо этишнинг ҳақиқатан ҳам мақсадга мувофиқлиги ва зарурлигини таъкидлар эканман, Ўзбекистон БМТ Бош ассамблеясининг 48-сессиясида олға сурган бу ташаббус қўшниларимиз — Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон томонидан ҳам тўла қўллаб-қувватланганини мамнуният билан қайд этаман. Бу 1997 йил февралида қабул қилинган Алмати декларациясида ўз ифодасини топган. **Бу ҳужжат ядро қуролини тарқатмаслик соҳасида сиёсий ишонч муҳитини яратди.** Декларациянинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, бошқа халқаро тузилмалардаги тақдимоти ҳамда унга халқаро ҳамжамият раҳбарлари ва аъзолари берган баҳо бизга кўтаринки руҳ бахш этади.

Марказий Осиё ташаббусининг юзага келишига ядро қуролини тарқатмаслик соҳасидаги халқаро тажриба диққат билан ўрганилгани ҳамда дунё миқёсида хавфсизликни мустаҳкамлашда ўзимизнинг ўрнимизни аниқлаб олиш туфайли имкон яратилди. Буни конференциянинг эксперт босқичи ҳам тасдиқлади. Мазкур босқич давомида минтақадаги давлатларнинг сайёрамизнинг ядро қуроли, ядровий портлатиш ускуналари бутунлай тақиқлаб қўйиладиган ҳудудларини кенгайтиришга қаратилган саъй-ҳаракатларига ижобий баҳо берилди.

Хонимлар ва жаноблар!

Конференциямизнинг бундай нуфузли даражаси ўртага қўйилган масалаларни юксак эксперт даражасида ҳал этиш имконини беришига ишончим комил.

Фурсатдан фойдаланиб, эътиборингизни бизнинг конференция кун тартибининг концептуал томонларига бўлган нуқтаи назаримизга қаратмоқчи эдим.

Биринчи. Ядро хавфсизлигига умумий, кенг қамровли хавфсизлик, омон қолиш муаммосининг таркибий қисми сифатида қаралиши керак. Ядро қуролига эга ва эга бўлмаган давлатларнинг мажбуриятлари ўртасидаги мувозанат — ядро қуролидан холи зонанинг самарали фаолият кўрсатиши асосидир.

Мен Марказий Осиёдаги ядро қуролидан холи зонанинг ишончли, мустаҳкам бўлиши ядро қуролига эга бўлган барча давлатлар унинг мақомини эътироф этган тақдирдагина таъминланишига қатъиян аминман. Бошқа томондан олганда, барпо этилаётган ҳудудга оламшумул ядровий стратегия манзарасида бугунги кунда дунёда мавжуд бўлган ҳарбий мувозанатни бузадиган воқеа сифатида қаралмаслиги лозим.

Иккинчи. Ядро қуролидан холи зонани барпо этиш технологияси ўз-ўзидан минтақа хавфсизлигини таъминлаш масаласини ҳал қилмаслигини эътироф этиш зарур. Зонанинг барча фаолият имкониятларини ядро қуроли тарқалиши хавфининг олдини олишга сафарбар эта оладиган механизм ишлаб чиқилиши лозим. **Шу мақсадда иштирокчи давлатлар халқаро миқёсда тўпланган тажрибага ҳамда бир қанча асосий тамойилларга,** хусусан: — зона ядро қуролидан тўла равишда холи бўлиши таъминланиши лозим;

— унинг фаолият кўрсатиши бўйича иштирокчи давлатларгина эмас, барча манфаатдор мамлакатлар ҳам ўз зиммаларига мажбурият олиши мумкин;

— ядро қуролидан холи зонанинг барпо этилиши ҳақидаги битимлар келишилган мажбуриятларга риоя қилишни таъминловчи самарали назорат тизимини ўз ичига олиши лозим;

— назорат МАГАТЭ ва БМТнинг хавфсизлик кенгаши кафолати остида олиб борилиши лозим,

деган тамойилларга суяниши керак.

Учинчи. Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонанинг барпо этилиши ва унинг фаолият кўрсатиши — **ядро қуролини тарқатмаслик ҳақидаги шартнома доирасида белгилаб берилган дунё миқёсидаги ядро хавфсизлиги тизимининг ажралмас қисмидир. Бу амалда Марказий Осиё минтақаси давлатлари ядро қуролини тарқатмаслик ва қуролсизланишнинг умумий тартибига фаоллик билан қўшилажагини билдиради.**

Айни пайтда, ядровий қуролсизланиш бўйича тадбирлар билан бир қаторда оммавий қирғин қуролларининг бошқа турлари ҳам тарқалишининг олдини олишга қаратилган саъй-ҳаракатлар амалга оширилиши лозим. Бу саъй-ҳаракатлар маслаҳатлар ўтказиш, ахборот алмашиш ва мавжуд қурол заҳираларидан бир-бирини хабардор қилиш даражасидаги ҳамкорликни, шунингдек маҳаллий зиддиятлар мавжуд ҳудудларга қурол етказиб беришни қаттиқ назорат қилиш механизмини ишлаб чиқиш бўйича чора-тадбирларни ўз ичига олиши лозим.

Тўртинчи. Ҳар қандай сиёсий қарор, ҳар қандай давлатлараро ҳужжат ижтимоий муаммолар билан мустаҳкам боғлиқ бўлганидагина, инсон ва жамиятнинг муносиб турмуши таъминланганидагина бирон-бир кучга эга бўлади. Марказий Осиёдаги ядро қуролидан холи зона ҳам бундан мустасно эмас. У кишиларга айнан нима бериши мумкин? Муҳими — мазкур зона хавфсиз ва барқарор тараққиётни таъминлашга ҳисса қўшади. Бугунги кунда собиқ СССРдан қолган оғир ядровий меросни бартараф этиш билан боғлиқ муаммолар ҳам ўзининг зудлик билан ечилишини ҳамда халқаро ҳамжамиятнинг эътиборини кутмоқда.

Бунга Семипалатинск полигонида ўтказилган ядро синовлари оқибати ҳам киради. Бу ёпиб қўйилган ўнлаб уран конлари ҳамда ўтган йиллар мобайнида уранни жуда кўп қайта ишлашдан пайдо бўлган, инсонлар ҳаёти учун хавфли қатлам ва чиқиндилар муаммоси ҳамдир. Бу, ниҳоят, — экология, инсонлар саломатлиги, уларнинг турмуш шароити муаммосидир.

Бешинчи. Конференцияни тайёрлашнинг эксперт босқичи кўрсатганидек, **Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонани барпо этиш ғояси минтақавий хавфсизликни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган тадбирларга тўла мос келади.** Бу мазкур муаммо бўйича илгари қилинган саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давомидир.

Хонимлар ва жаноблар!

Юқорида айтилган фикрларни умумлаштирган ҳолда, сизларнинг эътиборингизни муҳим аҳамиятга молик бир масалага қаратмоқчиман. Биз ядро қуролидан холи Марказий Осиё зонасининг барпо этилиши рамзий тадбирга айланиб кетмаслиги кераклигини яхши биламиз. Уни барпо этиш бўйича тадбирлар қуролсизланиш ва қуролланишни назорат қилиш соҳасидаги халқаро ҳуқуқ меъёрлари асосида, ядро қуролини тарқатмаслик бўйича шартнома доирасида амалга оширилиши лозим.

Ядро қуролидан холи зонанинг фаолият кўрсатишига одатдаги, анъанавий маънодагидан кўра кенгроқ қаралиши лозим.

Мен нимани назарда тутяпман?

Энг аввало, минтақадаги давлатлар ва чегарадош мамлакатлар ихтиёрида мавжуд бўлган парчаланувчи материаллардан одамларни ҳимоялашнинг аниқ ва амал қиладиган механизми ишлаб чиқилиши керак.

Биз, шунингдек, терроризм ва иғвогарликнинг турлича кўринишларидан ҳам кафолатланган эмасмиз.

Биз мамлакатларимиз ҳудудига исталган пайтда ядро қуролига айланиши мумкин бўлган хавфли ёнилғининг кириб келишидан ҳам кафолатланган эмасмиз. Давлатлараро даражада дипломатлар, давлат органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ишини мувофиқлаштириш зарур. Биздан ядровий материалларни сақлаш, назорат қилиш ва ҳисоблаш, улардан ҳимояланиш борасидаги ҳамкорлигимизни фаоллаштириш ва чуқурлаштириш бўйича муайян тадбирлар ишлаб чиқилиши талаб этилади.

Ва ниҳоят, ядро қуролидан холи зона ядро қуролини тарқатмаслик, қуролсизланиш, назорат қилиш ва атроф-муҳитни муҳофаза этиш борасидаги фаолиятини амалга оширишдан ташқари, **Марказий Осиё давлатларининг тинчликка хизмат қиладиган атомни тадқиқ қилиш соҳасидаги ҳамкорлигига кўмаклашуви лозим. Бунинг учун минтақада барча зарур имкониятлар мавжуд.**

Муҳтарам конференция иштирокчилари!

Тошкентдаги бу учрашувимиз Тлателолко шартномасининг ўттиз йиллиги, Пелиндаб шартномасининг бир йиллиги ва атом энергияси бўйича халқаро агентлик — МАГАТЭнинг қирқ йиллиги нишонланаётган йилда ўтмоқда. Конференциямизга ўз вакилларини юборган ОПАНАЛ, Африкадаги ядро қуролидан холи зона иштирокчилари ҳамда МАГАТЭ шаънига қутлов йўллаш билан бирга, Ўзбекистонда бу нуфузли ташкилот ва давлатлар фаолияти хавфсиз дунё қуришга бўлган астойдил интилиш деб баҳоланишини қайд этмоқчиман.

Бу воқеаларнинг бир-бирига рамзий алоқасини таъкидлаган ҳолда шуни мамнуният билан қайд этаманки, Марказий Осиё давлатлари Лотин Америкасида бошланиб, минтақадан минтақага ўтиб бораётган ядро қуролидан холи дунё эстафетасини масъулиятни тўла ҳис этган ҳолда қабул қилиб олади.

Хонимлар ва жаноблар!

Марказий Осиёдаги ҳар бир давлат ўзининг минтақа тақдири учун масъулияти даражасини яхши билади. Шунинг учун ҳам биз мана шу залда ҳозир бўлганларнинг барчасига жаҳон ҳамжамиятининг бизнинг ташвишларимизни англаб етадиган ва унга шерик бўладиган, бизнинг хавфсиз дунё қуриш, якдиллик ва ҳамкорлик борасидаги интилишларимизда ёрдам беришга тайёр турган вакиллари сифатида қараймиз.

Биз Марказий Осиёдан ташқарида юз бераётган воқеалардан ўзилиб қолганимиз йўқ. Биз — инсониятнинг бир қисмимиз, дунё эса яхлитдир. Биз бошқа давлатлар билан бир қаторда сайёрамизнинг барча бурчакларида инсонларнинг кафолатланган тинч ҳаёт кечирадиган вақтини тезроқ яқинлаштириш учун тинчлик ўрнатиш йўлидаги бунёдкорлик жараёнида иштирок этишни истаймиз.

Мен анжуманимиз мана шу олижаноб мақсадга эришиш, XXI асрдаги жаҳоншумул тинчлик моделини идрок этишда муҳим босқич бўлиб қолишига умид қиламан.

Конференциянинг барча иштирокчиларига ишларида самара ҳамда муваффақиятлар тилайман.

Эътиборларингиз учун ташаккур.

Диққат, танлов

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

танлови республикамиз журналистларини янада зўр ғайрат ва маҳорат билан ижод қилишга даъват этади

Озодлик, Ҳуррият, Ватан каби муқаддас тушунчалар инсон қалбида олий қадриятлар сифатида яшайди ва миллатни, халқни бирлаштиради. Бу қадриятлар кишилар орзусига қанот, Ватан салоҳиятига салоҳият, диёримизнинг гуллаб-яшнашига ҳаётбахш замин яратади.

Шукрлар бўлсинки, асрий орзуларимиз ушалди. Она-Ватанни обод қилиш, тақдиримизни ўз қўлимиз билан бунёд этиш даври келди. Мана, олти йилдирки, тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро аҳиллик ва ижтимоий тотувликда кечаётган ҳар бир кунимиз, ҳар бир дақиқамиз мустақиллик пойдеворини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Халқимизнинг имон-эътиқоди, ишончи ва яратувчилик қудрати туфайли буюк келажакка асос қўйилмоқда. Жонажон Ўзбекистонимиз шаҳар-қишлоқлари қисқа фурсатларда замонавий қиёфага эга бўла бораётган, энг юксак талабларга жавоб бера оладиган маҳобатли иншоот ва корхоналар қад ростлаётган, илм-фан, маданият, санъат, спорт ва бошқа соҳаларда дунё халқларининг ҳеч биридан кам эмаслигини кўрсата билаётган мамлакат сифатида жаҳон ҳамжамиятидан тобора мустаҳкам ўрин эгалламоқда.

Бинобарин, давр биз — ижод аҳли зиммасига ҳаммамиз учун энг улуғ, энг азиз бўлмиш она-Ватан ва буюк истиқлол хусусида, фидойилик кўрсатиб меҳнат қилаётган янги замон одамлари тўғрисида жўшқин илҳом ва маҳорат билан ҳикоя қилиш масъулиятини юкламоқда. Кишиларимиз онгида, руҳиятида, қалбида ва қиёфасида кузатилаётган ҳурлик ўзгаришларини бўй-басти билан кўрсатиш ижод аҳли олдида ўта долзарб вазифа бўлиб турибди.

Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ва Ўзбекистон республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси адибу журналистлар, фотосуратчиларни, умуман барча қаламкашларни «ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» республика танловига таклиф этади.

Ғолиблар қуйидаги совринлар билан тақдирланадилар:

БИРИНЧИ мукофот (учта) — хорижда ишлаб чиқарилган кўп каналли рангли телевизор;

ИККИНЧИ мукофот (бешта) — видеомагнитофон;

УЧИНЧИ мукофот (еттита) — энг кам иш ҳақининг 30 баравари миқдорида.

Танловга мамлакатимиз мустақиллигининг дадил одимларига бағишланган асарлар, мақола ва суратлар, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар қабул этилади. Ғолиблар мустақиллик байрами арафасида эълон қилинади.

Ижодий ишлар таҳририят тавсияси билан икки нусхада қуйидаги манзилга юборилиши сўралади: 700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси. «ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» танловига.

Туман, шаҳар, вилоят ва республика газета ва журналларида, телевидение ва радиода эълон қилинган сара асарлар, кўркам ва сермазмун суратларни «ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» танлови кутмоқда!

Хатлар

Хатлар

Хатлар

ЕТТИНЧИ «ЎҚ» ОТИЛАДИ...МИ?

Ҳаммаси ўтган йилнинг сентябрь ойидан бошланди. Республикамизнинг энг нуфузли матбуот нашрларидан бирида Наталья Шулепина имзоси билан танқидий мақола эълон қилинди. Унда Тошкент шаҳар Миробод туманидаги Яккасарой кўчасидаги 2-уй, 5-хонадонда мен қайта қураётган қурилиш танқид қилинган эди.

Ростини айтиш керак, қурилиш бошлашдан аввал туман ҳокимлигидан, санэпидстанция, табиатни муҳофаза қилиш бошқармаси, қўйинг-чи, барча мутасадди ташкилотларнинг ҳаммасидан расмий равишда рухсат олганман. Ана шундан сўнггина қурилишни бошладим.

Газетада мақола чиққандан сўнг текшир-текшир бошланди.

Туман ҳокимлиги қурилишни бузиш тўғрисида фармойиш берди. Шундан сўнг мен ҳокимиятни Миробод туман судига бердим. Суд мени ҳақ деб топди ва ҳокимият қарорини бекор қилди.

Кейинчалик газетада яна шу муаллиф имзоси билан танқидий мақола эълон қилинди. Яна судлашдик ва бу гал ҳам мен ютиб чиқдим.

Яқинда яна шу газетада олтинчи маротаба мақола чиқди. Яна мен бошлаб поёнига етказилган қурилишим ҳақида ва яна шу муаллиф номи билан.

Асабларим чарчади. Юрагим ишдан чиқди. Ниҳоятда чарчадим. Қўлим ишга бормайди. Ҳар гал мақола чиққанда гўё юрагим нишонга олиниб ўқ узилгандек бўлади. Яна текшир-текшир, яна судлашиш.

Ҳурматли таҳририят, Сизлардан илтимос, ана шу ишга аралашиб, ҳақиқатнинг қарор топишига ёрдам бер-сангизлар. Бутун умидим Сизлардан.

Яна бир илтимос, мен бошлаган қурилишни ҳам ўз кўзларингиз билан кўрсангизлар. Унинг ҳеч кимга зарари етмайди. Қурилишни кўриб отангга балли, дейишларингга ишончим комил.

Сизлардан ёрдам кутиб:
Светлана КОГАЙ.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«КВАС ЙЎҚ, МОРС ЭСА БЕМАЗА»

Газетанинг 1997 йил 22 июль сонида эълон қилинган «Квас йўқ, морс эса бемаза» сарлавҳали танқидий мақола «Тошкентсавдо» бирлашмасининг ишлаб чиқариш кенгашида акциядорлик жамиятлари ва жамоа корхоналарининг раҳбарлари иштирокида муҳокама қилиниб, уларга газли сув автоматлари ишини назорат қилишни кучайтириш, аҳолига чанқоқбосди ичимликларни сотиш маданиятини ошириш вазифаси юклатилди.

Квас етказиб берувчи асосий корхона — Қибрайдаги «Роҳат» акциядорлик жамияти ҳозирги вақтда фақат морс ва мева шарбати ичимликлари ишлаб чиқармоқда. Шу сабабли шаҳардаги 153 та автоцистерналарнинг ҳаммаси шу корхона ишлаб чиқарган морс ва мева шарбати ичимликлари билан савдо қилмоқда.

Чанқоқбосди ичимликлар нархидаги тафовутга келганда шуни айтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 14 декабрдаги 604-сонли «Республикада савдони эркинлаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ҳар бир савдо корхонасига молларни ташиш, сақлаш ва сотиш харажатларига қараб эркин улгуржи нархга ёки саноат корхоналари белгилаган нархга устамани мустақил белгилаш ҳуқуқи берилган. Шу сабабли турли савдо корхоналарида нархлар турлича белгиланмоқда.

Чанқоқбосди ичимликлар сотувчи савдо корхоналарининг иши акциядорлик жамиятлари, жамоа корхоналари ва «Тошкентсавдо» бирлашмаси назорати остига олинган.

«Тошкентсавдо» бирлашмаси раиси М. МИРАЮБОВ.

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ТУРКМАНИСТОН ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛАРИНИНГ БАЁНОТИ

Сайёрамизда ядро қуроли тарқалиши инсониятнинг келажаги учун энг катта хавфдир. Ядро қуроли асрлар давомида инсон қўли билан яратилган барча нарсаларнигина эмас, ер юзида ҳаётнинг ўзини ҳам йўқ қилиб ташлашга қодир.

Ядровий қуролсизланиш даврида, куч ишлатиш ёки куч ишлатиш билан қўрқитишдан воз кечиш, ҳар бир халқнинг бири бошқасидан устун туришини рад этадиган ижтимоий, сиёсий ҳамда мафкуравий йўлни танлаш ҳуқуқини ҳурмат қилиш тамойилларига асосланган янги тинчлик концепциясини ишлаб чиқиш зарур.

Тошкентда бўлиб ўтган (1997 йил 15-16 сентябрь) «Марказий Осиё — ядро қуролидан холи зона» халқаро конференцияси минтақавий ва жаҳон миқёсидаги хавфсизлик бир-бири билан боғлиқлигини эътироф этиб, жаҳон ҳамжамиятининг тобора ривожланиши учун биргаликда ҳисса қўшиш зарурлигини яна бир бор тасдиқлади.

Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномани, Алмати декларациясини имзолаган Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон умумий масъулиятни чуқур англаган, биргаликда оғишмай, ҳаракат қилиш зарурлигига асосланган ҳамда ўз халқларининг яқдил фикрини ифодалаган ҳолда:

— Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зона, деб эълон қилиш зарурлиги минтақа хавфсизлигини мустаҳкамлашнинг муҳим жиҳати сифатида қайд этадилар;

— ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартноманинг амал қилишини кўриб чиқиш ва унинг муддатини узайтиришга бағишланган 1995 йилги конференция ҳужжатларида баён қилинган мақсад ва қоидаларга қўшиладилар;

— бошқа давлатларнинг имзолаши учун 1996 йил 24 сентябрда очиб қўйилган ядро синовларини ялпи тақиқлаш тўғрисидаги шартнома қабул қилингани қутлаб, ҳали уни имзоламаган барча давлатларни бу шартномани имзолашга чақирадилар;

— ядро қуролидан холи зоналар бўйича тузилган шартномалар муносабати билан ўз зиммаларига мажбурият олган мамлакатлар жаҳон майдонининг катта қисмини ташкил этиши ва янги ядровий хавфсизлик маданияти ижодкори ҳисобланишидан мамнуният изҳор этадилар;

— Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонанинг барпо этилиши миллий, минтақавий ва жаҳон миқёсидаги хавфсизлик манфаатларига мос келади, деб ҳисоблайдилар;

— Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоларини, барча давлатларни Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонани барпо этиш ташаббусини қўллаб-қувватлашга ва уни барпо этишга ҳар томонлама кўмаклашишга чақирадилар;

— минтақадаги экологик хавфсизликни таъминлашни зарур деб ҳисоблаган ҳолда, бошқа давлатларни ҳам кўпгина ҳудудлар, жумладан радиоактив чиқиндилар билан ифлосланган ҳудудларни асл ҳолига қайтаришга кўмаклашишга чақирадилар;

— ўзларининг ядро энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга тайёр эканликларини яна бир бор тасдиқлайдилар;

— Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг махсус органларига мурожаат қилиб, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонани барпо этиш тўғрисидаги шартномани тайёрлаш ва амалга ошириш шаклларини ҳамда унинг жиҳатларини кўриб чиқиш учун минтақавий экспертлар гуруҳи иштирокида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг экспертлар гуруҳини тузишни илтимос қиладилар.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 15 сентябрь.

Партия ахбороти

ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КЕНГАШИ ПЛЕНУМИ

Кеча Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўриб чиқилди. Р. Облоёров бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вилоят партия кенгаши биринчи котиби вазифасидан озод қилинди.

Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академиясини битирган Нарзулло Ҳазратов Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди.

Пленумда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов ва Самарқанд вилояти ҳокими Алишер Мардиев нутқ сўзладилар.

Пленум ишида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби Ҳ.Авезов ва Самарқанд вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари А. Ҳасанов иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 16 сентябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	*54,22*
1 Австрия шиллинги	*6,00*
1 Англия фунт стерлинги	*120,34*
10 Бельгия франки	*20,43*
1 Голландия гульдени	*37,45*
10 Греция драхмаси	*2,68*
1 Дания кронаси	*11,08*
1 БАА дирхами	*20,43*
1 АҚШ доллари	*75,03*
1 Миср фунти	*22,15*
1 Ирландия фунти	*112,98*
1 Исландия кронаси	*1,05*
10 Испания песети	*5,00*
100 Италия лираси	*4,32*
1 Канада доллари	*53,90*
10 Хитой юани	*9,05*
1 Қувайт динори	*246,57*
100 Ливан фунти	*4,91*
1 Малайзия рингги	*25,34*
1 Германия маркаси	*42,18*
1 Норвегия кронаси	*10,24*
1 Польша злотийси	*21,75*
10 Португалия эскудоси	*4,16*
1 Сингапур доллари	*49,64*
1000 Туркия лираси	*0,44*
1 Финляндия маркаси	*14,09*
1 Франция франки	*12,54*
1 Швеция кронаси	*9,76*
1 Швейцария франки	*51,12*
1 ЭКЮ	*82,67*
10 Жанубий Корея вони	*0,83*
10 Япония иенаси	*6,22*
1000 Россия рубли	*12,83*
1 Украина гривнаси	*40,38*
1000 Беларусь рубли	*2,71*
1 Эстония кронаси	*5,92*
1 Латвия лати	*127,17*
1 Литва лити	*18,76*
1 Қозоғистон тенгеси	*0,99*
1 Қирғизистон соми	*4,23*

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ОВРЎПА ЎҒЛОНЛАРИ ТЎН КИЙГАНДА

Қарийб бир ҳафта давом этган теннис байрами якунланди. Мамлакатимиз пойтахтидаги усти берк кошона шу кунлар мобайнида гавжумлашиб турди.

Ўзига хос байрамга айланган қувончли дамлар минглаб мухлисларда завқ ва шавқ уйғотди. Чет элдан келган меҳмонлар ва мутахассислар таъбири билан айтганда, бундай ёпиқ теннис кошонаси Тошкент ва АҚШда мавжуд экан. Шунинг ўзидаёқ юртимизда спортнинг кичик тўп турига алоҳида аҳамият берилаётгани кўринади.

Халқаро мусобақанинг нуфузи ортиб бораётгани табиий. Мукофот жамғармаси ҳам бу сафар қарийб ярим миллион доллар қилиб белгиланди. Бош соврин даъвогарлари сафи тобора кенгайиб бормоқда. Бу сафар 22 мамлакатдан кучли спортчилар ташриф буюришди. Ишқибозлар халқаро майдонларда танилиб қолган Олег Огородов, Дмитрий Томашевич, Абдуҳамид Маҳкамов, Темур Хонхўжаев сингари йигитлар билан фахрланадилар.

Бош соврин учун кураш бу гал муросасиз баҳсларга бой бўлди. 32 нафар теннисчи яккама-якка баҳсда ўз имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга зўр беришди. Мусобақа низомига мувофиқ ютқазган ўйиндан чиқаверади. Биринчи кунги ўйинлардан кейиноқ 16 нафар теннисчи сараланди. Ишқибозлар мусобақанинг тантанали очилиш маросимидан кейин франциялик Тиерри Шемпион билан англиялик Тим Хенменларнинг ўзаро баҳсини томоша қилган эдилар. Учрашувда Тимнинг қўли баланд келганди.

Ҳеч ким шу йигит ҳал қилувчи баҳсгача курашни давом эттиради, деб айтолмаганди.

Ўтган шанба куни ўзининг 23 ёшини нишонлаган бу йигит теннис ўйнашда овруполикка хос феъл, яъни босиқ, вазмин, ҳар қандай шароитда ҳам ўзини бошқара билиш, на завқи, на ранжини намойиш этмайдиган, ҳаракатлар маромини ва мезонига қатъий риоя қиладиган, айни пайтда маҳоратидан тўлиқ фойдаланишга риоя этадиган спортчи экани аён бўлди. Нимчорак финалда россиялик Александр Волковни, чорак финалда АҚШ теннисчиси Винкен Спадеани доғда қолдирди. Ярим финалда эса испаниялик Франциско Клаветни 6:3, 7:5 ҳисобида енгиб, финалга йўлланма олди.

Иккинчи финалчининг ҳам босиб ўтган йўли қийин ва машаққатли бўлди. 27 баҳорни кўрган швейцариялик Марк Россет ўзининг олийжаноблиги, мухлису спортчиларга меҳрибонлиги билан эътибор топди.

Зарби зўр бу йигит кичик тўп тезлигини соатига 216 километргача етказиб, ишқибозларни ҳайратга солди. У финалгача Андрей Черкасов, Италиялик Винкензо Сантопадре, марокколик Хишам Аразий ҳамда мусобақанинг энг кучли иштирокчиси россиялик Евгений Кафельниковларни мағлубиятга учратди. Аммо финалда Россет билан Хенмен учрашуви тенг ҳисобларда давом этди, десак бўлаверади. Фақат Хенменнинг бироз омади юришиб, аввал 7:6, кейин 6:4 ҳисобида ғалаба қозонди.

Шундай қилиб, бош соврин соҳиби аниқланди. Англиядан юртимиз пойтахтига ташриф буюрган Тим Хенман совриндор бўлди. Мусобақанинг ёпилиш маросими ўзига хос байрамга айланди. Бундай нуфузли мусобқалар ташкилотчиси Сассон Какшури совриндорлик баҳси ўзига хос мазмун касб этганини таъкидлаб, Ўзбекистонда теннисни ривожлантиришдаги эътибор ва ғамхўрлик учун миннатдорчилик билдирди. Кейин республикамиз Президенти И.А.Каримов мусобақанинг ташкилий томонларига катта аҳамият берилганини қайд этиб, мусобақа иштирокчиларини табриклади. Бош соврин учун курашда маҳорат кўрсатган, ўз иродасини ишга солган теннисчиларни зафари осон бўлмаганини эътироф этди. Сўнг Россе билан Хенменга миллий тўн, дўппи, белбоғ кийгизилиб, гулдаста инъом этилди.

Ғолиблар мусобақа юқори савияда ташкил этилгани, мухлислар қўллаб тургани, Президентдан бош совринни олишнинг ўзи катта эътибор эканини таъкидлашди. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам келаси йили яна Тошкентга келишга ҳаракат қилишларини билдиришди. Шундай қилиб, Президент кубоги АҚШ, Марокко ва Испаниядан кейин Буюк Британияга йўл олди. Муҳими, соврин учун кураш мамлакатимизда минглаб ёшларни теннисга бўлган ҳавасини уйғотишда муҳим аҳамият касб этди.

Ҳайдар НОСИРОВ.

Сиёсий иқлим

Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевнинг Фармонига биноан Қозоғистон Давлат ахборот агентлиги (КазТАГ) тугатилди.

Республика ҳукумати унинг ўрнида бир ой мобайнида Қозоғистон ахборот агентлигини (КАА) тузиши ва янги ташкилотнинг ваколатини белгилайдиган қарор қабул қилиши лозим.

Янги агентлик биноси мамлакатнинг янги пойтахтида қурилади.

***

1995-1996 йиллар мобайнида АҚШда ўсмирлар ва ўрта ёшдагилар ўртасида СПИД билан оғриб қаётган кўз юмаётганлар сони 26 фоизга камайди, деб баёнот берди АҚШнинг ушбу касалликни назорат қилиш ва даволаш бўйича федерал маркази.

***

Буюк Британия таркибига кирувчи Шотландияда мамлакат парламентини тузиш, ўз-ўзини бошқариш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалаларини мустақил равишда ҳал қилиш бўйича референдум бўлиб ўтди.

Дастлабки натижаларга кўра, референдумда шотландияликларнинг эллик фоизи иштирок этган ва уларнинг аксарияти Шотландия ўз парламентига эга бўлиши учун овоз берган.

Кузатувчиларнинг таъкидлашича, мазкур тадбир нафақат Шотландияда, балки бутун Буюк Британияда катта аҳамиятга эга. Чунки, бу воқеа келгусида мамлакатнинг федерал тузилмасига катта ўзгартишлар киритиши мумкин.

ФОЖИА САБАБИ АНИҚЛАНДИ

Француз тиббиётчилари Уэлс маликаси Диананинг фожиали ўлимига сабаб бўлган ҳайдовчи Генри Полнинг «Прозак» номли антидепрессант дори қабул қилганини аниқлади. Уларнинг фикрича, мазкур дори ичкилик билан аралашганда кишининг ҳаракатчанлик қобилиятини сусайтиради ва айниқса машина ҳайдаётган одам учун жиддий хавф туғдиради.

Маълумотларга қараганда, матбуот саҳифаларида ҳайдовчининг ичганига шубҳа билдирилган хабарлар пайдо бўлавергач, франциялик тиббиётчилар Генрининг қонини эмас, балки юрагидаги тўқималарни текшириб кўришга мажбур бўлган ва тўқималарда антидепрессант мавжудлигини аниқлашган.

ДУНЁ ДАРЧАСИ

КЕЧА, БУГУН, КЕЛАЖАК

Марказий Осиё ўйинлари

Олимпиада ва Осиё ўйинларидан кейин энг йирик баҳслардан ҳисобланган Марказий Осиё ўйинлари анъанавий равишда давом этмоқда. Мухлисларга аёнки, бундай нуфузли мусобақага икки йил аввал Тошкентда асос солинган. Мана, энди Қозоғистон пойтахтида мусобақа байроғи иккинчи марта кўтарилди. Туташ беш ҳалқа тасвири туширилган оқ байроқ Олимпиада ўйинларининг тимсолидир. Айни пайтда бу ҳалқалар Марказий Осиёнинг беш республикасидан тўпланган спортчиларнинг куч-маҳорат, матонат ва ирода бобида ўзаро баҳслашишларидан далолат бериб тургандай.

МУСОБАҚА МАШЪАЛАСИ ПОРЛАМОҚДА

Мусобақанинг тантанали очилиши спорт байрамига айланди. Бу байрамга мартабали меҳмон-Халқаро Олимпия қўмитаси президенти Хуан Антонио Самаранч ҳам ташриф буюрди. Ҳамиша йирик мусобақаларда машъаланинг ёндирилиши ўзига хос усулда бўлади. Алматида эса учқур чавандоз қадимий Олимп шаҳридан турли йўллар билан келтирилган машъалани баланд кўтарганича ўйингоҳ бўйлаб арғумоғини елдириб ўтди.

Унинг қўлидан машъалани олган бошқа спортчи мусобақа оловини ёндиришга муваффақ бўлди. Байрам муносабати билан намойиш этилган турли кўнгилочар ўйинлар, спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари, куй ва қўшиқлар узоқ давом этди. Якшанба кунидан бошлаб эса дастлабки мусобақаларга старт берилди.

Бир ҳафта давом этадиган қизғин курашда юртимизнинг 280 нафар спортчиси медаллар шодасини бойитишга, рекордлар ўрнатишга ҳаракат қиладилар деган ниятдамиз.

Ишқибозлар моҳир боксчилардан Дилшод Ёрбеков, Руслан Чагаев, Наримон Отаев, Темур Иброҳимов, курашчилардан Адҳам Очилов, Руслан Хинчагов, Шермуҳаммад Қўзиев, Баҳодир Қурбонов, Армен Багдасаров маҳоратига умид боғлашган. Спортнинг ўн тўрт тури бўйича ўтказиладиган баҳсларда маҳорат кўрсатиш юзимиз ёруғ бўлишидан нишона эканини яхши билган вакилларимиз ишончимизни оқлашга интилмоқдалар. Уларга зафар ёр бўлсин.

Хайрулла АБДУЛЛАЕВ.

Ўзбекистон ва жаҳон

САРҲАД БИЛМАС САНЪАТ

Мамлакатимизда Япония маданияти кунлари давом этмоқда. Япония бутун жаҳонни ҳайратга солаётган мамлакатдир. Кунчиқар мамлакатда машинасозлик, электроника ва бошқа соҳаларда жаҳоншумул ютуқларга эришилмоқда. Бундай катта ютуқлар замирида ижодкор ва интилувчан япон халқининг меҳнати ётибди. Япония элчихонаси томонидан ташкил этилган Япония маданияти кунлари дастури хилма-хил. Аввало, бу кунлар расмий жиҳатдан мамлакатимиз пойтахтида Япония боғи қурилиши бошланиши билан боғлиқдир. Мазкур боғда Япония табиатининг бир бўлаги акс этади.

Маданият кунлари доирасида пойтахтдаги «Киночилар уйи»да Япония кинематографиясининг энг яхши асарлари намойиш этилмоқда. Алишер Навоий номли театрда «Японияннинг тўрт фасли» балети қўйилмоқда.

Япония замонавий қурилиш кўргазмаси Санъат музейида, қора бўёқ билан расм солиш санъати (суибокуга) эса республика рассомлари Кўргазмалар залида уюштирилган. Япон миллий аёллар кийими — кимано кўргазмаси эса кўпчиликда катта қизиқиш уйғотиши турган гап. Зеро, у ҳам ўзига хос миллий урф-одат ва айни чоғда гўзал бир санъатдир. Аквапаркда япон таомлари билан танишиш, тайёрланиш жараёнини кўриш мумкин. Ишқибозлар гулларни мослаштириш (икэбана) санъати билан таниша оладилар.

Алишер РЎЗИЕВ.

АЁЛ ГЎЗАЛЛИГИ ГУЛЛАРГА ҚИЁС.

ЎзА олган сурат.

FRANCE 98

БУ ЁҒИ НИМА БЎЛАРКИН? ...

Келаси йили Франция пойтахтида бошланадиган жаҳон чемпионатига йўлланма олиш ҳар бир мамлакат учун орзу-ҳавас. Зеро, йўлланма йўли шундай қийин ва мураккабки, уни қўлга киритиш ҳам шунга яраша қутлуғ ва нуфузли. Шу кунларда эса Осиё минтақасининг икки гуруҳга бўлинган 10 жамоаси уч ё тўрт йўлланмадан бирига эга бўлиш йўлида саралаш учрашувларининг иккинчи босқичида иштирок этмоқдалар.

Токиода япон футболчилари билан ўтказилган учрашувда йигитларимизнинг 6 та тўпга 3 та жавоб қайтаришгани ҳақида хабар қилган эдик. Ҳар қалай қуруқ бўлмади, ҳаракат қилишди, агар ҳимояни мустаҳкамлашса, натижа ёмон бўлмайди деган фикрларга борганлик.

Иккинчи учрашувни ўтказиш учун Сеулга йўл олган футболчиларимиз таркибида ўзига хос ўзгаришлар содир этилди. Бош терма жамоа мураббийлари ҳимояни мустаҳкамлаш мақсадида йигитларни қуйидаги тартибда майдонга туширдилар: Бугало, Узоқов, Федоров, Шоймардонов (Шацких), Момонтов, Қамбаралиев, Лебедев, (Муродалиев), Маъруфалиев, Бозоров, Ширшов, (Ирисметов), Шквирин.

16-минутда Бугало дарвозаси нишонга олинди. Танаффусдан кейин футболчиларимиз ҳисобни тенглаштиришга интилдилар.

73-минутга борганда Шквирин-Шацких ҳамкорлиги самарали кечди. Ҳисоб тенглашди.

Утган шанба куни БАА жамоаси Қозоғистон футболчиларини қабул қилди. Бу ўйинда қардошларимиз уз дарвозаларидан 4 та тўп утказиб юборишди. Уларни биринчи ўйинда Корея жамоасидан енгилишгани (0:3) ҳаммага аён. «А» гуруҳида ҳам учрашувлар бошланди: Хитой-Эрон-2:4, Шундай қилиб, ҳозирча «Б» гуруҳида корейс футболчилари 6 та очко билан олдинда боришмоқда. Япония ва БАА жамоасида 3 тадан очко бор. Юртдошларимиз эса навбатдаги учрашувни 20 сентябрь куни сафарда Қозоғистон футболчилари билан ўтказадилар.

САМУРАЙ ВА ХАРАКИРА

Табиатда жуда кўп жонзотлар ўзини-ўзи қурбон қилади. Ўз жонига онгли равишда қасд қилиш фақат инсонгагина хос хусусиятдир. Бу йўлни танлаганларни бир неча тоифага бўлиш мумкин.

Чингиз Айтматовнинг «Соҳил бўйлаб чопаётган олапар» асаридаги денгизда адашган овчилар — ота, ўғил ва набирани эсланг. Аввалига очлик ва сувсизликдан набирани омон сақлаб қолиш мақсадида бобо, сўнг ота ўзларини тириклай денгиз қаърига топширадилар. Тежалган сув эвазига набира жонажон қирғоғига етиб олади. Бу эзгулик йўлидаги қурбонликдир. Иккинчи бир тоифа одамларни ҳам қилган ишлари учун айблаб бўлмайди. Уларнинг тутган йўли ўзлари учун тўғридир.

Дунёда халқлар кўп. Уларнинг тили каби турмуш тарзи, урф-одатлари ҳам турлича.

Биз учун ҳамиша ярим жумбоқ бўлиб келган японларнинг ҳам бу борада кўпчиликка номаълум бўлган ва барчани лол қолдирадиган маросимлари бор. Бу анъаналар миллатнинг кўрки ва фахри ҳисобланади. Японларда шундай мақол бор: «Сакура гулидан гўзал гул, самурайдан аъло инсон йўқ». Дарҳақиқат, самурайлар япон халқининг фахри, ифтихоридир. Самурай бўлиш осонмас. Унинг ўзига яраша темир қонун-қоидалари бор. Харакира ана шу қоидаларнинг бири ҳисобланади. Японларнинг жасоратли, садоқатли ва ватанпарвар бўлиб улғайишида, ота-боболари анъаналарига собит қолишида харакира деб аталмиш маросимнинг таъсири катта бўлган.

Агар ўз жонига қасд қилиш зарур бўлиб қолса, самурай бу ишни шундай қилардики, атрофдаги қўрқичлар ҳатто унинг юзида биронбир ўзгаришни сезмасди. Самурай тилини тишлаб узар ва ичига ютарди, оқаётган қонни ҳам то ўлим келмагунча мардона ичига ютиб турарарди. Бундай заруратга эса самурайларни болаликдан тайёрлаб борилган. Бунинг учун самурайлар ҳайвонлар билан машғулот ўтказганлар.

Харакира маросимлари Японияда феодализмнинг шаклланиши ва ривожланиши даврида самурайлар, бошқа юқори табақа амалдорлари орасида кенг тарқалган. Самурайлар ор-номуси ҳақорат қилинганда, нолойиқ хатти-ҳаракатга йўл қўйганда, хожаси вафот қилганда харакира ёрдамида ўзини ўлдирганлар. Юз йиллар мобайнида ҳар томонлама такомиллашиб келган бу одат — японларнинг Эдо даври деб аталувчи 1603-1867 йилларда қилган жиноят учун жазо тариқасида суд ҳукми сифатида қўлланила бошланган.

Бусидо, яъни самурайларнинг ёзилмаган кодекси руҳида тарбияланган жангчи хожаси олдидаги ўз бурчини аъло даражада ҳис қилиши шарт. Агар бусидо қоидаларига номаъқул хатти-ҳаракат қилган тақдирда ўз гуноҳини харакира йўли билан, яъни қорнини кичик самурай қиличи билан ёриш орқали ўз айбини ювганлар.

«Харакира» сўзи асосан оддий халқ тилида қўлланилади. Маданий синф вакиллари эса уни «сэппуку» деб аташади.

Самурайлар орасида харакира XII аср охирига келиб, икки қудратли уруғ — Тайра ва Минамото ўртасидаги ҳокимият учун кураш кетган йиллари, айниқса авж олди. Улар харакирани асир тушмаслик ёки хўжайини ўлган ҳолларда бажарардилар. Нафақат самурайлар, балки, хожаларининг ўзи ҳам кўнгилли бўлиб, сэппукуни амалга оширардилар. Улар шу йўл билан мағлубият шармандалигидан қутилар эдилар.

Тарихда Масагигэ Кусуноки ва унинг жангчилари томонидан амалга оширилган сэппуку энг машҳурлардан биридир. Жангда мағлубиятга учраган Масагигэ ва унинг олтмиш содиқ дўсти харакирани амалга оширадилар. Бу ҳодиса ўз бурчига содиқлик рамзи сифатида Япония тарихида абадий қолган.

Харакира турли усулларда, турли қуроллар ёрдамида бажарилган. Ўзининг чидам ва бардошини кўрсатиш мақсадида кўп ҳолларда самурай харакирани бамбукдан ишланган тиғлар ёрдамида амалга оширган.

Харакира узунлиги йигирма беш сантиметр бўлган махсус ханжар орқали амалга оширилган. Агар самурай қонун йўли билан харакирага ҳукм қилинган бўлса ва у буни тўла-тўкис амалга оширса, унинг гуноҳи кечилган ва иззат-ҳурмат билан дафн этилган. Харакира ахлоқ-одобига кўра самурай ўлимни хотиржам қабул қилиши ва муносиб ўлиши керак. Агар у харакира пайтида оғриққа чидамай қичқирса, юзида оғриқ аломатлари пайдо бўлса, ҳушидан кетса, ёрдамчи унинг бошини танасидан жудо қилиш билан бу шармандали азобга чек қўйган.

Харакирага самурайлар болалигидан ўргатиб борилган. Тажрибали устозлар сэппукуни қандай бошлаш, ўзини мардона тутиш ва уни охиригача муносиб якунлаш йўл-йўриқларини ўргатиб борганлар.

Асримиз бошида Японияга Европа маданиятининг кучли таъсири сезила бошланди. Натижада бусидо кодекси ҳуқуқий кучини ўз-ўзидан йўқотди. Шунга карамай, харакира маросими XX аср иккинчи ярмигача амалда қўлланиб келинди.

Иккинчи жаҳон урушида ҳам кўплаб япон аскарлари асир тушмай, харакирани амалга оширганлар. Бунда улар ўзлари билан доим олиб юрадиган махсус қиличлардан фойдаланганлар.

Японлар учун борлиқ яхшилик ва ёмонликка эмас, гўзал ва хунук тушунчаларига бўлинади. Улар инсонлардаги нозик таъбликни, гўзалликни ҳис қилиш туйғуларини қадрлайдилар. Тагор японлар ҳақида шундай деган эди: «Улар ҳақиқатни гўзалликда, гўзалликни ҳақиқатда кўрадилар».

Юксак ривожланган кунчиқар давлатнинг бугунги сиёсат ва иқтисодиёт соҳасида эришган ютуқларига назар ташлар эканмиз, гўзал ахлоқ-одобли халқи тарбиясида асрлар мобайнида шаклланиб келган харакиранинг таъсирини сезгандай бўламиз.

Қодиржон ҚАЮМОВ тайёрлади.

Халқлар ва маросимлар

O‘ZBEKISTON OVOZI

Vatanni sevmak iymondandur!

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 16 sentabr, seshanba № 109 (22.193).

Gazeta 1918- yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ИШОНЧ ТАНТАНАСИ

Аломатхон ишга кирди-ю, орадан кўп вақт ўтмай, барчага танилиб қолди. Айниқса, бошлиғи — Равшан акаси унга жуда ўрганиб қолди. Аломатхонга ҳам айнан шу нарса керак эди.

Чунки у муҳтожликдан қийналгани ёки касбига бўлган муҳаббат туфайли ишга кирмаган, унинг мақсади бу беш кунлик дунёда ўйнаб-кулиб қолиш эди.

У ўзига тўқ, бадавлат оиланинг қизи эди. Турмуш ўртоғи эса оддий оиладан бўлса-да, топиш-тутиши жуда яхши эди. Бироқ Аломатхонни на оиласи, на фарзандлари қизиқтирар, рўзғор ишларини бажариш учун эса одам ёллаб қўйган эди.

Қиз уйга ҳамиша кеч келар, тонг отмай иши кўплигини баҳона қилиб яна ишига, Равшан акасининг «васли»га ошиқарди. Ҳар куни янги кийим киймаса кўнгли тўлмас, кийим танлашда ҳам турмуш ўртоғининг эмас, балки Равшан акасининг диди билан ҳисоблашарди. Унинг харид қилган ҳар бир нарсаси биринчи навбатда Равшан акасига ёқиши керак эди.

У шу зайлда ўтувчи кунларидан рози эди. Шунинг учун ҳам доимо синглисига:

— Турмуш ўртоғинг қанчалик бўш, содда бўлса, шунчалик яхши. Шунда турмуш қургач ўз хоҳишинг бўйича яшайсан. Истаганча юрасан, ўйнаб-куласан.

1

ВАТАНПАРВАРЛИККА ДАЪВАТ

Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда, онгу шууримизда, дунёқарашимизда ўзгаришлар ясаган, қадриятларимизни қайтариб берган, таассуротларга бой, асрларга татигулик мафтункор олти йил ўтди. Озодликнинг боболар орзу қилган маъсум нашидасини кўзларимизга суртиб яшаяпмиз. Замона тақозоси билан янгичасига фикрлаб, янгичасига ишлайдиган эркин бир авлод камол топмоқда. Ислоҳотлар туфайли маҳобатли Ўзбекистонда бетимсол бунёдкорликлар бошланди: равон ва текис йўллар, осмонўпар бинолар, зангори кошинли, тилла ранг жилоли муҳтаимконият» мақоласи, Ўзбекистон халқ шоири Мирмуҳсиннинг «Заковат чироғи» мақоласи ҳам юртбошимизнинг шу пурмаъно асарига бағишланган.

«Мулоқот»нинг мустақиллик сонидан ўрин олган барча мақолалари шарқ тароналари сингари бағоят таъсирчан ва умидбахшдир. Улар одамларни эртанги кунга, юртимиз келажаги буюклигига астойдил ишонтира олади.

Атоқли файласуф олим унинг кўп қатламли, яъни маъжозий — рамзий ташқи, зоҳирий ва ички, яширин, ботиний томонларига тўхталади. Бундай ёндашув ўрта аср дунёқарашининг бадиий эстетик қоидаларига мутлақо монанд келади.

Юрт жамоли дилда фахр ва ифтихор уйғотади. Ўзбекистоннинг сўлим табиати, хушманзара қишлоқлари, дашту адирлари, денгизу уммонлари ўзига хос. Роҳатижон ва



соҳиби бўлмиш инсон камолоти-унинг фаолияти-меҳнат, фаровонлик ва маънавий етукликнинг, яъни чинакам бахт-саодатнинг, ҳал қилувчи қудратли манбаидир.

Ўзбекистон буюк олимлар ва алломалар юрти. Саъдулла Хўжаевнинг «Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий» ва Гулнора Носирхўжаеванинг «Билим орттириш лаззати» мақолалари кўпларда қизиқиш уйғотиши табиий.

Хуллас, Абдураҳим Каттабоевнинг «Миллий театрда истиқлол ғоялари», Абдуллажон Бегматовнинг «Тарихий тафаккур ривожи», Жўрабой Жабборовнинг «Муомала маданияти», Динора Азимованинг «Марказий Осиё: маданиятлар умумийлиги», Рўзимат Маҳмудовнинг «Ҳуқуқий маданият-инсон зийнати», Муҳаммаджон Имомназаровнинг «Маънавиятимизнинг муҳим қирраси» мақолалари ўзининг равонлиги ва замон руҳига ҳамоҳанглиги билан қимматлидир. Шунингдек, 5-сонда «Чор китоб»нинг давоми ҳам эълон қилинган. Айниқса, «Назм» рукни остида эълон қилинган Анвар Ҳожининг «Ўзбекистоним» ва Очил Тоҳирнинг «Ватаним», «Шу юрт ягонадир», «Соғинч» шеърлари шеърият шайдолари қалбидан чуқур ўрин олиши муқарар. Чунки дунёда Ватан ҳақидаги қўшиқдан жарангли овоз йўқ.

Инсоннинг қадр-қиммати, унинг одоб-ахлоқи, маънавияти, сабр-тоқати ва ростгўйлиги билан ўлчанади. Мазкур сондаги айрим мақолалар ва «Мулоқот» дафинаси ана шу мавзуга бағишланганлигининг боиси ҳам шунда. Илк сониданоқ истиқлолни куйлаб дунёга келган «Мулоқот» журналининг янги сонидаги мақолаларда она-Ватанга чексиз муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуси нурланиб, жилоланиб турибди.

«Мулоқот»нинг янги сонидан ўрин олган инсон ва замон, ҳаёт ва умр, ўтмиш ва бугун, бурч ва эътиқод, озод Ватан хусусидаги мақолалар ўқувчини эътиборсиз қолдирмайди. Улар ёшларни ватанпарварликка, юртга садоқатли бўлишга даъват қилади.

Давлатмурод САЪДУЛЛАЕВ.

«Мулоқот» журнали саҳифаларида

Абдулҳафиз Жалоловнинг «Ҳаёт фалсафаси ва фалсафа ҳаёти» мақоласида «Инсонлар ҳаёти, турмуш тарзининг намоён бўлишида маънавият ўта муҳим, ҳатто муайян маънода, ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Усиз, умуман, одамзотни, унинг ҳаёт тарзини тасаввур этиш мумкин эмас», деган яқдил хулосаси жамият тараққиётида маънавиятнинг аҳамияти нақадар зарур эканлигига ошкора ишорадир.

Шунингдек, Шодмон Воҳидов, Шодмон Ҳайитовларнинг 2500 йиллиги нишонланаётган Бухоро шаънига бағишланган «Бухорои шариф» мақоласидан журналхонлар кўпгина қизиқарли маълумотлар олиши мумкин. Жумладан, ундаги биргина «Савдогар Мир Халимнинг маълумотича, бир йилда Бухорога 50 минг туя юк киритилган ва тахминан шунча миқдорда юк хорижга сотиш учун олиб кетилар эди. Ҳар йили Хитойдан Бухорога минг туя ипак, 300 туя кўк ва қора чой келтирилса, биргина Ҳиндистондан минг туя индиго (қимматбаҳо бўёқ) олиб келинар эди» дейилган маълумотларнинг ўзи жуда қимматлидир.

Алишер Навоий назм салтанатида шундай бир юксак чўққики, унга яқинлашган сайин унинг нақадар баландлигини кўриб ҳайратланасиз. Муаллиф Муҳаммаджон Жакбаров улуғ шоир ижодини ўрганишда шу пайтга қадар етарли эътибор берилмаган масалалардан бири — оромбахш бу жойлар инсон кўнглини тоғдай кўтаради. Офтоби ўзгача бу саховатли заминда яшашнинг ўзи, халққа хизмат қилишнинг ўзи улкан бир бахт. «Мулоқот»нинг 5-сонидан ўрин олган академик Саидкарим Зиёдуллаев қаламига мансуб, «Томорқа-халқимиз таянчи» мақоласида таъкидланганидек, республика бўйича деҳқонларга берилган суғориладиган ер майдонининг ҳажми 650 минг гектарга етди. Эндиликда муаллифнинг фикрига кўра, сабзавот ва картошканинг 69 фоизи, гўшт маҳсулотларининг 80 фоизи, сут маҳсулотларининг 90 фоизи деҳқон томорқасида етиштирилаяпти. Ҳозирги пайтда тадбиркорлик билан иш юритишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Боқимандалик замони аллақачон ўтган. Янги сондан ўрин олган Алишер Ибодиновнинг Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгашининг биринчи котиби Анваржон Эгамбердиев билан «Давр руҳи билан яшайлик» мусоҳабасида ХДП туман кенгашлари қошида фирмалар, телестудиялар, хўжалик ҳисобида иш юритувчи корхоналар, кўп тармоқли кичик корхоналар ташкил этилгани ҳақида сўз юритилади. Ҳеч шубҳасиз, Ҳасанохун Мусаев «Иқтисод ва иймон» мақоласида таърифу тавсиф этганидек, ақл-заковат ва салоҳият

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Виктор ЗВЕРЕВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-07-20, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-07-20, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Қ. ЭШМАТОВ, навбатчи О. БЕКМУРОДОВА.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматда 33 824 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳririят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0578

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 22.00.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Мана, мени кўр, турмушимга ҳатто маликалар ҳам ҳавас қилса арзийди, — дерди.

Кунларнинг бирида уларнинг корхонасига ёш, келишган бир йигитни ишга қабул қилишди. Унинг исми Беҳзод бўлиб, содда, бўш-баёвгинага ўхшарди. Кишилар билан муносабатда самимий бўлган, доимо жилмайиб тургувчи бу йигит ходимларнинг барчасига бирдек ёқиб қолди. Тезда уни куёв қилишга талабгорлар ҳам топилиб қолди. Уларнинг қаторида Аломатхон ҳам бор эди. «Беҳзоджоннинг бизга ишга кириши тақдирнинг иноятидир, — дея ўйларди у. — Куёв ҳам оёғим остидан чиқди. Фақат энди бу йигитчани тезроқ тузоғимга илинтирсам, олам гулистон. Сингилчамга бир яхшилик қилсам қилибман-да, яхшилигим ерда қолмас, ахир!»

Лекин орадан кўп ўтмай, Аломатхон Беҳзоднинг қўшни корхонада ишлайдиган бир қизни севишини, қизнинг ҳам унда кўнгли борлигини эшитиб қолди-ю, олам кўзига тор кўриниб кетди. Чунки бу муҳаббат унга ўз ниятларини амалга оширишида бир тўсиқ эди. Аёл қандай қилиб бўлмасин, йигитчани севгилисидан совутиш йўлларини излай бошлади. Хаёлида турли-туман режалар кезинар, бироқ уларнинг биронтаси ёқмас эди.

Ҳаёт сўқмоқлари

Ниҳоят, бир фикр унга маъқул тушди. Қизларни тўплади-да: «У қиз эмас, жувон. Турмуш қуриб ажрашган. Қишлоқдан бу ерга келиб энди Беҳзоджоннинг бошини айлантиряпти» — деган гап тарқатади. Табиийки, бу гап чаққон қизлар томонидан йигитнинг қулоғига худди рост гапдек бўлиб етиб боради.

Шундай бўлди ҳам... Эртаси куни Беҳзод ишга келиши билан биринкетин қизлардан ушбу «янгиликни» эшитди. У бу гапларга ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмасди. Чунки Беҳзод қизни юрак-юрагидан севар, қиз ҳам ўзига чин дилдан кўнгил қўйганига шубҳа қилмасди. Лекин бу гаплар...

Беҳзод икки ўт орасида қолди. Йигитнинг ҳар бир ҳаракатини зимдан кузатиб турган Аломатхон ундаги ўзгаришни пайқади-да, ич-ичидан қувона бошлади. «Хиёл ўтмай, бу йигитча қўлимга қўнади», — дея кўнглидан ўтказди у. Беҳзоднинг чиқиб кетаётиб, эшикни қарсиллатиб ёпиши унинг назарида иш ўзи кутганидай бўлганидан дарак беради. Аммо Аломатхон йигитнинг қалбидаги ишонч ҳисси устун чиққани ва бу зарда ўзига ҳамда қизларга қаратилганидан бехабар қолди.

Кунлар ортидан кунлар, ҳафталар ортидан ҳафталар ўтди. Аломатхон ўтган вақт ичида бечора қиз ҳақида қанчадан-қанча ғийбатлар тарқатмади. Ҳатто қиз билан бирга ишлайдиган дугоналари ҳам ундан шубҳаланадиган бўлиб қолишди. Бироқ Беҳзод бу гапларга ишонмас, уни фақат бир нарса, севгилисини ғийбатлар қийнаб қўйиши чўчитарди, холос...

2

Бир куни Аломатхон Беҳзодга куёв қилиш нияти борлигини очиқ-ойдин айтди. Йигит эса сир бой бермади. Унинг учун бу кулгили бир ҳол эди. Энди ҳар куни эрталаб Аломатхон Беҳзод билан суҳбатлашар экан: «Ҳорманг куёв ишлар яхшими?» — деб ҳол-аҳвол сўрарди. Йигит эса унинг кўнгли учун: «Ишлар зўр келинбола қалайлар, соғ-саломат юрибдиларми?», — дер, гап остидаги киноянни пайқамаган Аломатхоннинг боши осмонга етарди...

«Беҳзоджон таътилга чиқар экан...» Бу хабар Аломатхонни эсанкиратиб қўйди. «Таътили вақтида уни кимдир илиб кетсачи?!» — деган фикр унинг бутун борлиғини қамраб олди. «Нима қилиш керак?» — дея ўйларди Аломатхон. — Наҳотки, барча ҳаракатларим зое кетса?! Йўқ! Эртага Беҳзодни синглим билан таништираман. Кейин эса қандай қилиб бўлмасин, тўйни тезлаштиришимиз керак бўлади. Бунинг учун эса...»

... Бу кундан Аломатхоннинг умиди катта. Опасингил ял-ял товланиб, корхонага кириб келишди. Аломатхоннинг синглисидан кўнгли тўқ бўлсада, унга йўл бўйи:

— Шундай қилгинки, йигит бир кўришда сенга маҳлиё бўлиб, ипсиз боғланиб қолсин — дея қайта-қайта тайинлади...

Аломатхон Беҳзодни узоқдан кўрди-ю, синглисига имлаб қўйди. Синлиси дарҳол у ёқ бу ёғига кўз ташлаб олди, сочларини тўғрилади. Аломатхон эса Беҳзоддан кўз узмай, унинг ҳаракатларини зимдан кузата бошлади. Йигит Аломатхонлар турган томонга келар экан, йўлида учраган ҳар бир ҳамкасбига откриткага ўхшаш нарса тутқазарди. Уларнинг: «Ие, муборак бўлсин!» — деган хитобларига жавобан йигит жилмайиб қўяр, юз-кўзларида порлаётган қувонч уни янада кўркам қилиб юборганди.

Беҳзод барчага тутқазаётган қоғознинг нима эканлигини пайқаган Аломатхоннинг бутун вужудини совуқ тер қоплади. «Таклифнома-ку! — дея ўйлади у изтироб билан. — Наҳотки?! Тамом! Ҳаммаси тамом бўлди!»

Аломатхон изтироб исканжасида қолиб, Беҳзоднинг яқинлашиб келганини ҳам пайқамай қолди. Йигит унинг кўнглидан нималар кечаётганини сезса-да, ўзини билмасликка олиб:

— Аломатхон опа, сизни тўйимизга таклиф қиламиз, албатта боринг! — деб унинг қўлига таклифнома тутқазди. Аломатхон ниятларини чилпарчин қилган таклифномага алам билан тикилганча қолаверди. Зеро у содда, бўш деб ўйлаган йигит қатъиятли, севгисига содиқ бўлиб чиққан эди...

Шундай қилиб эртага ишқ ва ишонч тантанаси! Ҳаммани шундай севги ва бахтга етказсин. Тўйга марҳабо!

Гулшан РАҲМОН қизи.

3

ХОТИРА ЭЪЗОЗИ

Республика байналмилал маданият марказининг муҳташам саройида қозоқ адабиёти ва маданиятининг мумтоз намоёндаси, жаҳон адабиётида ва туркий халқлар маданияти ривожида муносиб ўрин эгаллаган адиб Мухтор Авезовнинг 100 йиллигига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Адибнинг 100 йиллигига бағишланган тантаналар ЮНЭСКО қарорига мувофиқ дунёнинг бир нечта мамлакатларида нишонланмоқда.

Тошкентда ўтказилган тантаналар ҳам ҳақиқий дўстлик ва қардошлик байрамига айланиб кетди.

Анжуманни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, шоир Абдулла Орипов бошқарди.

Унда Қозоғистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Умрзоқ Ўзбеков, Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси котиби Қалаубек Турсунқулов, қозоғистонлик ва ўзбекистонлик адиблар иштирок этишди.

Тантанада сўзга чиққан адиблар Мухтор Авезовнинг қозоқ ва туркий халқлар адабиётига қўшган ҳиссаси, қардош халқлар алоқаларини мустаҳкамлаш борасида кўрсатган жонбозликларини яна бир бор эътироф этишди.

Шундан сўнг навбат шам иншоотлар, теннис кортлари қад кўтаряпти. Кундан-кунга тараққиёт топаётган мамлакатимиз довруғи жаҳонга ёйилмоқда. Йилдан-йилга ёшлар, фикру орзулар ўсаяпти. Истиқлолни, янгича яшашни қўллаб-қувватловчилар сони ўсаяпти. Бу бунёдкорликларни ўз саҳифаларида рўй-рост акс эттираётган «Мулоқот» журнали жамоаси ҳам истиқлолнинг қутлуғ олти йиллик байрамига ўзининг ажойиб туҳфасини — янги сонини нашрдан чиқарди. Бу сонда баҳсли, мунозараю мулоҳазаларга бой, қизиқарли ва саралланган мақолаларни ўқийсиз, Ватаннинг озод ва уйғоқ фикрли фарзандлари билан мулоқотда бўласиз.

Журналнинг 5-сони Ғафур Абдумажидовнинг Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» китобига бағишланган «Буюк келажак дастури» мақоласи билан бошланади. Унда муаллиф: «Президентимиз ўз асарида XX аср воқеаларига мукаммал якун ясар экан, янги асрга қадам қўйиш олдидан мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳақида башорат қилади ва бу борада узоқ йилларга мўлжалланган дастурни инъом қилади», дея таъкидлайди. Мустақиллик бу янги ҳаётнинг бошланишидир. Шу ҳақиқатни ҳисобга олган ҳолда: «Мустақилликка эришган ҳар бир давлатнинг маънавий пойдевори мустаҳкам бўлгандагина, у бақувват бўлиб, кенг кўламда ривожлана олади», деб бошлайди. Усмон Қорабоевнинг «Истиқлол берган

«АКАТЕКС ТЕКСТИЛЬ САНОАТ ВА ТИЖОРАТ ЛТД» ҚЎШМА КОРХОНАСИ ПОЛИПРОПИЛЕН ЎН ҚОПЛАРИНИ (50 кг) пул ўтказиш йўли билан СОТАДИ

Манзилгоҳ: Тошкент, Гоголь кўчаси, Марказ 1, 38-уй, 187-хонадон.

Мўлжал: «Электроника» магазини

Телефон: (3712) 133-40-07.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ҳокимияти томонидан Пяк.Т.Г. номига берилган №0400994 рақамли патент йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

***

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани «Шокир-ота» кичик корхонасининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ** ҳамда ушбу кичик корхона **ТУГАТИЛАДИ**

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади.

«Ўзбекистон овози» газетаси жамоаси Ўзбекистон оммавий-ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фонди ҳамраиси, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоевга онаси **Бусалима МУЛЛА ТЎРАБОЙ** қизи вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.